Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Избоскан тумани

ИЗБОСКАН ТУМАНИ ҲАҚИДА

Андижон вилоятининг шимолида жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Андижон вилоятининг Пахтаобод, Андижон, Балиқчи, Олтинкўл туманлари, Наманган вилояти, Ўирғизистон Р еспубликаси билан чегарадош. Майдони 0,28 минг км2. Ахолиси 186,2 минг киши. Избоскан туманида 1 шахар (Пойтуг) ва 9 қишлоқ фуқаролари йиғини(Избоскан, Намуна, Шерматобод, Эркин, Яккатут, Янги-замон, Янгиқишлоқ, Ўртоқлар, Ўизил Юлдуз) бор. Маркази — Пойтуг шахар.
Табиати:Избоскан тумани релефи асосан пасттекислик бўлиб, жанубий-ғарбгатомон пасайиб боради. Шимолий қисми Майлисой адирларидан иборат. Иқлими мўътадил. Июлнинг ўртача харорати 27 даража, январники минус 3 даража. Вегетация даври 240-255 кун. Йилига ўртача 300-500 мм ёғин тушади. Туман худудидан Катта Фарғона канали, Ўорадарё, Майлисой, Тентаксой оқиб ўтади. Асосан, бўз тупроқ, тўқ ва оч тусли ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан юлғун, қамиш, янтоқ, шўра ва бошқалар ўсади. Ёввойи хайвонлардан чиябўри, тулки, бўри, тўнғиз, ёввойи эчки, кемирувчилардан сув каламуши, қушлардан кабутар, тустовуқ, ўрдак, ғоз, лайлак, каклик, бедана, қорабовур, бургут, бойўғли, қалдирғоч, чумчуқ, булбул, зоғча, қарға, хакка ва бошқалар яшайди.Ахолисининг аксар қисми ўзбеклар (99,7%). 1 км2 га ўртача 670 киши тўғри келади.

ИЗБОСКАН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими:Исмоилов Серобидин Позилжонович

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айни бир вақтда ҳудудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Шаҳар ҳокими Ўзбекистон Р еспубликаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Телефонлар: 0 (374) 322-48-55 Факс: 0 (374) 312-25-44
Манзил: 171200, Избоскан тумани, Сидиков кўчаси, 19 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

EXAT: izboskan.t@exat.uz e-mail: izboskan@andijan.uz

Murojaatlar uchun: 0 (374) 312-23-26 // ISHONCH TELEFONI: 0 (374) 312-25-15

WEB SITE: www.izboskan.andijan.uz

ИЗБОСКАН ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ ҲАҚИДА НИЗОМИ